

# БОЛАЛИГИМИЗ НАВРЎЗЛАРИ

*Энам биз фарзандларининг онгига ўз айтимлари билан қадриятларимизни қадрлашни ўргатган эди. У сўзамол эди, гапга гапни улай оларди, фикри теран эди. Гўдаклигимиздан энам айтган ҳикоятлар, ривоятлар, эртақлар ва айтимлар орқали ватанини севган ҳар бир инсон билиши керак бўлган жуда кўп нарсаларни билиб улгайдик. Лекин энамнинг овози ҳеч маҳал ҳовлимиздан ташқарига чиққан эмас. Фозила бу аёл ўзи тўқиган оҳангларни тўйда ёки саҳнада айтмаган. Уларнинг тингловчиси, қадрловчиси, бошига кўтаргувчиси фақат биз болалари эдик. Гоҳо ҳовлимизнинг орқа томонидаги бедапояга шолча тўшаб, бизга доира чалиб берарди. Доирани энам бошқача, ўнг қўл бармоқларидан ташқари, кафти билан чаларди. Оғир, вазмин овоз тараларди. Биз энамнинг бошини хиёл чап томонга буриб, кўзларини юмганча доира чалишини завқ билан кузатардик.*

Энам чанқовузни ҳам жуда чиройли чаларди. Оддий, мисдан ясалган создан шундай оҳанглар чиқар эдики, биз завқдан энамнинг тўрт тарафига ётиб олардик. Энам эса чанқовузни тишлари орасига олиб, чап қўли билан сознинг учини тутганча, ўнг қўли бармоқлари билан нозик симни шундай майин тортардики, ажиб бир садо янграр эди. Ўзи бу садодан маст бўларди энам.

Болалигимиз Наврўзлари завқли кечарди. Уни бизда Жилбоши, яъни Йилбоши деб атайдилар. Йилбоши арафасида қишлоқнинг барча уйларида тозалаш, саришталаш ишлари бошлаб юбориларди. Эртақлар, оиланинг

ўғиллари хас-хазон қоплаган ерларни ағдарар, жўяқлар олинар, дарахтлар окланар, хотин-халаж идиш-товокларни кум ва кулда ярақлатишар, қизлар, аёллар қўлларига хина, қошларига ўсма қўйиб созланишар эди.

Йилбоши кунни ёшу қари қишлоқдаги отам раҳбарлик қилган мактаб томон ошиқар эди. Одамлар мактаб ҳовлисидаги осмон билан бўйлашган дарахтзор тагида жой ҳозирлашар, маърака қозонларда шўрва, ош пишириларди. Ёши улуғлар алоҳида давра қуришарди. Уларнинг даврасида, гарчи ёш бўлса-да, отам ҳам виқор билан ўтирар эди.

**Давоми, бошланиши 1-саҳифада.**

Ўрта ёшли эркаклар боболардан сал бериқроқда давра қуришарди. Бу даврада ҳазил-хузулни Ашур тоғам бошлаб берар, кимларнингдир ҳаракатларини ўрнидан туриб кўрсатар, Эшбўри аканинг кулгили қилиқлари тилга олинганда гурра кулгидан дарахтлардаги қушлар парпираб учарди. Номлари тилга олинганлар ҳеч ҳам хафа бўлмас, аксинча, ўзларининг соддадилликларидан кўзлари ёшланиб қулишарди. Ёши улуғлар ҳам бу ҳазиллардан завқланишар, саллаларининг учи билан кулгидан намланган кўзларини артишарди.

Сал нариқроқда момолар ёшларига қараб жойлашиб ўтиришар, либослари ёшларига муносиб улуғсифатроқ эди. Момоларнинг бошида чит, сатиндан тикилган капач, капачнинг устидан турли тусдаги рўмоллар ўралган бўларди. Кўкиш йўл-йўл кандирдан пешмат кийишар, пешматнинг олд қисми майда жўрма билан безалган бўларди. Момолар ҳам эркаклардан ийманиб ўтирар, невараларининг хархашаларига кулоқ тутишар, уларга қанд-курсми, бўғирсоқми – сўраганини олиб берарди.

Ўрта ёшли аёллар давраси гулзорга ўхшарди. Улар ранг-баранг либослар кийган, оч яшил паранг, атлас, кип-қизил пилотно кўйлақлари ловуллаб турарди, эналаридан мерос ҳапамат, дардиғозна, қизилмаржон, томоқча, билакчаларини тақиб олишар эди.

Биз болаларнинг бошимиз осмонда. Ҳар биримиз эгнимиздаги ёрқин либосларимизни кўз-кўз қилардик, бошларимиздаги янги рўмолларимиз, устига тугма тикилган, турфа ранг ипақлардан тайёрланган белдовчалар ўрнатилган янги ковушимиз билан мақтанар эдик.

Бундай байрамга ҳар бир оила аёли таом тайёрлаб келар, кимдир қатлама, кимдир бўғирсоқ, яна кимдир ғилбинди, яна биров ширгуруч. Таомлар дастурхонларга тортилар, “олинг-олинг”-дан дарахтзор шовқинга тўлар эди. Ўтиборлиси шундаки, агар қишлоқда азадор оила бўлса, улар тадбирга қатнашмас, элнинг оқсоқоли топшириғи билан ўша хонадонга патир, қатлама, бўғирсоқ, турли ширинликлар солинган дастурхон юборилар, ёшлар сопол товоққа уйиб солинган, серғўшт палов устига иккита нон қўйиб элтиб беришарди.

Ниҳоят шўрвалар тортилиб, ошлар ейилиб, кўк чойлар ичилгач, одамлар жим бўлишиб боболар ўтирган томонга дуо сўраб қарарди. Бун-

дай кезлар иззат-хурматли Алимардон бобом қадоқ қўлларини дуога очиб:

– Илоҳи омин, қариларнинг иймонини берсин, ёшларга узок умр берсин, ҳаммани тўйларга, байрамларга жетказсин. Ҳаммамиз болаларимизга бош бўлайлик. Омин, Оллоҳу акбар, – деб юзига фотиҳа торгарди.

Дуо ўқилгач ҳамма баравар ўрнидан турар, боболар бирин-сирин қалишларини кийиб боғдан чиқар, ўрта ёшли эркаклар уларнинг изидан юрар, ёш-яланглар қозону самоварни йиғиштирар, момолар то эркаклар боғдан чиқиб кетгунча невараларининг қўлидан маҳкам тутиб гурунглашиб туришар, бундай пайтда ҳар ким ўз сирдоши билан диллашар эди.

# БОЛАЛИГИМИЗ НАВРЎЗЛАРИ

Энам эртаси саҳармардонда уйғонар, кичиккина хужрамизда Йилбоши таоми учун хамир қорарди. Биз қизлар дарвозамиз ташқарисига сув сешиб, супуриб-сидириб, гиламлар, кўрпачалар тўшардик, дастурхон ёзар эдик. Энам эса сочдек ингичка кесилган хамирни барқашларга солиб олиб чиқар, маърақа қозонда пишириб олар эди. Кескан (угра) ош пишгач, суюлтирилган чакки (сузма) билан аралаштирилар, опаларим майда тўғралган турли кўкатлар, нозвой, пудина, аччиқкина мурч солар эди. Бу таом яхши кунлар кескандек узун бўлсин, деган ниятда қилинарди.

Бундай кезлари унча-мунчага сир бермайдиган отам салобат билан қишлоқдошларимизни қўшқўллаб кўришиб кутиб олар, боболар отамни дуо қилар, акаларим уларнинг қўлларига сув қуяр, сочиқ тутишар эди. Тоға, амақиларим меҳмонларга чой, нон, овқат ташишар, бу таомил уларга ёқиши чехраларидаги табассумдан аён эди.

Тушга яқин бу таомил ҳам яқунланарди. Отам қўйни-қўнжини тўлдириб, чойнакдай-чойнакдай олма, анор, увиздай сап-сарик каттақўрғони майиз, шақирлаган ёнғоқлар, пайшанбанинг парвардаси, сутга қорилган элақдай нонлар – хуллас, энг яхши егуликлардан жамлаб, акаларимни олиб Алимардон бобомнинг уйига кетар эди.

Уйда энам ва қизлар қолар эдик. Ана шунда энам тиззаларига Ойимгулчани ўтирғизганча бизга Йилбоши қўшиғини айтиб берар эди.

**Жилбоши кепти, билдингизма?  
Этта саҳар турдингизма?**

**Этта саҳар тура солиб,  
Қозон-товоқ жувдингизма?**

Биз қизлар бир-биримизга майингина қараб кўярдик. Энам ўзи тўқиган бу кўшиқ орқали бизга нималарнидир ўргатаётганларини сезардик.

**Жилбоши кепти билдингизма?  
Тонг қоронғи турдингизма?  
Тонг қоронғи тура солиб,  
Ишни тоза қилдингизма?**

Опаларим билинтирмай ўзлари чинни-чирок қилган чойнак-пиёлаларга, қордай оқартириб ювган кийим-бошларга кўз солиб қўйишарди.



**Жилбоши кепти билдингизма?  
Қошга ўсма қўйдингизма?  
Қошга ўсма қўяйтиб,  
Жайраганин билдингизма?  
Жилбоши кепти билдингизма?  
Қўлга хина қўйдингизма?  
Қўлга хина қўяйтиб,  
Қизариб кетганин билдингизма?**

Бундай пайт хинадан қизариб турган қафтларимизни очиб маҳлиё бўлиб қарар, бир-бири-

мизга мақтаниб кўрсатар эдик. Қўшиқ эса янаям бошқачароқ давом этарди.

**Жилбоши кепти билдингизма?  
Буваниннг ҳалин сўрдингизма?  
Буваниннг ҳалини сўраб,  
Бели бугилганин билдингизма?**

Кўз олдимизга қотма, киёфаси жиддий, қўллари чайир чавандоз бувам келарди. Унинг кўзларини ярим юмганча, ҳеч сўз демай чой хўплаши, ҳар замонда ўсиқ кошларининг аста кўтарилиб-тушиши хаёлимиздан ўтарди.

олмаган яхши одам. Болалиқда онасидан эрта етим қолиб, кўп кўргуликларни кечирган холам ёши элликка яқинлашган бўлсаям ярқираган атлас кўйлақ, бошда дўппи, пошнали туфли кийиб юрадиган, бир гапириб ўн куладиган қувноқ аёл. Кўзи киртайгани йўқ-қу, деб ўйлаймиз. Холам гуруллаб гапирганда унча-мунча одам таққа тўхтайдик-ку.

Аммам... Отамнинг на синглиси, на опаси бор. Ўнта амаким бор. Аммо бобомнинг синглиси Бегимой амманинг қизларини амма деймиз. Бувижон аммам шундоқ кўзимизга яқин яшайди. Бир ҳовли ўғил, қизи бор.

Яхши одамлар. Энам ҳам, отам ҳам жуда кўп одамларни яхши, деб мақташарди. Масалан, лойқалик Халил акамни. Ҳалол, меҳнатқаш одам. Ўзи қоп-қора бўлсаям, қалби оппоқ, дейди отам. Чинданам Халил ака уйимизга келса, худди ўз акамиздек елкасига осиламиз. Ёруғлик шумикан?

**Жилбоши кепти, билдингизма?  
Ота мазорин кўрдингизма?  
Ота мазорин кўрайтиб,  
Кўнгли вайрон бўлдингизма?  
Жилбоши кепти, билдингизма?  
Эна мазорин кўрдингизма?  
Сўлиган гулларди кўриб,  
Ҳайрон-хайрон бўлдингизма?**

Кўшиқнинг мана шу жойлари бизга ёқмайди. Маъюс тортиб, энамга қараб турамыз. Уни кучоқлаб ўпамиз. Қаришини ақлимизга сиғдиролмаймиз. Гўёки бизнинг ота-энамиз ҳеч қачон қаримайди, ҳамиша мана шундай гўзал, навқирон бўлиб қолаверарди.

Энди ақлимни танигач билдимки, отананинг бу дунёдан ўтмоғи бор экан. Энам айтимлари орқали бизга тириклигидаёқ насихат қилган, ҳаётдан сабоқ берган экан-да.

Энамнинг айтимларини тинглаб, боболар, момолар, тоғаю амақилар, амма-холаларни қадрлаш кераклиги онгимизга сингиб борарди. Айтимда энамнинг завқли юраги, одамларга меҳри, ҳаётга қарашлари, яхшилиқ исташлари акс этади. Энамнинг ўз олами яшайди бу айтимларда. Унинг сатрларида энамнинг бутун оламга меҳри, муҳаббати намоён бўлади. Ётми, танишми – ҳаммага тутган яхшилиқ гуллари чаппор уради. Эҳ, бу айтимлар, эҳ бу олқишлар, уларни ҳеч кимнинг энаси энамдай айта олмайди.

**Гулжаҳон МАРДОНОВА,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**